



ЯНА БИР БАЙРАМ

Республикамызда байрамлар сони яна биттага ортадиган бўлди. Президент Ислам Каримов фармонида асосан ҳар йили август ойининг учинчи якшанбасида «Ҳаво флоти куни» нишонланади.

ТАРАДДУД

Тошкентда бўлиб ўтадиган биринчи Марказий Осиё уйинларининг бошланишига бир ойдан сал ошиқроқ вақт ўтди. Шу муносабат билан уйингоҳларда, меҳмонхоналарда, иштирокчиларга хизмат кўрсатадиган транспорт ва бошқа соҳаларда тараддуд ишлари авжида. Ташкилий кўмита номига бир қатор мамлакатлардан спорт анжонлари, кийим-кечаклар ҳам келмоқда.

ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

Ўзбекистоннинг Италия билан иқтисодий соҳадаги ҳамкорлигининг яна бир меваси сифатида Маргилон «Ипакчилик» акционерлик жамиятида «Спиннинг-Силк» қўшма корхонаси иш бошлади. Бу қўшма корхона пилла чиқиндисидан ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Замонавий дастгоҳларда ишлаш учун 32 нафар маргилонлик йигит-қиз Италияда иш ўрганиб қайтишди.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН СЕМИНАР

Ўзбекистонлик мутахассисларни замонавий технология соҳасидаги янги ютуқлар, жаҳон электроника бозоридаги вазият билан таништириш ва уларнинг билим-малакаларини ошириш мақсадида Германиянинг «Сименс Никсдорф» фирмасининг Тошкентдаги ваколатхонасида махсус семинар бўлиб ўтди.

САМАРҚАНДДА ШАРҚ ТАБОБАТИ КЛИНИКАСИ

Хитойнинг «Дай юй бин» компанияси Самарқанд шаҳрида шарқ табобати клиникасини очди. Бу ерда беморлар шарқ табобатида кенг тарқалган усуллар-турли шифобахш ўт-улан ва гиёҳлардан тайёрланган малҳамлар ёрдамида, ҳамда игна билан даволанади.

ЎЗА ва матбуот хабарлари асосида тайёрланди

Қизи-иқ!

СУВ ТУБИДАГИ ХАЗИНА

Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда дунё океанлари ва денгизлари тубида 600 миллиард долларга яқин хазина «нақд» экан. Ажабланарлиси шундаки, бу бойликларнинг бари катта хазина билан гарқ бўлган қимматбаҳо кемалардир. Бироқ ҳозиргача сув тубидаги бу эгасиз хазиналарнинг бор-йўғи 10-15 фоизи топиб олинган экан. Кариб, Филиппин, Жанубий-Хитой денгизлари, Индонезия, Бразилия, Уругвай сув ҳавзаларида ўнлаб хазина изловчи фирмалар фаолият кўрсатишяпти. Аммо хазина изловчилар баъзи сабабларга кў-

ра қимматбаҳо бойликлар билан гарқ бўлган минглаб кемаларни ҳанузгача топа олишмаяпти. Масалан, Испаниянинг олтин, зумрад, марваридга тўла машҳур «Сан-Хосе» кемаси ёки японларнинг 40 тонна олтин, 12 тонна платина ва 150 қиротга (1 қирот — 0,2 гр) тенг бриллиант билан гарқ бўлган «Аву-Мару» кемаси топишганича йўқ.

Хуллас, олмақнинг бермоғи бор деганларидек, табиат ўз неъматларини қайтадан бағрига тортиб олаётган бўлса ажабмас...

А. САФАРОВ



СЕНИЯМ АЯНГ УЙИШАДИМИ?

С. Маҳкамов сурати

АЛП ЖАМОЛ НОМИДАГИ МУКОФОТ

Айни кунларда маънавий ҳаётимизни янада бойитиш ва такомиллаштириш бора-сида катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси адабиётимизнинг турли соҳаларини рағбатлантириш чораларини изламоқда. Ўз вақтида Алп Жамол тахаллуси билан қа-

лам тебратган ёзувчи ва драматург Жамоллиддин Асомиддиновнинг катта хизматларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Матбуот маркази ҳамда «Алп Жамол» фирмаси ҳамкорликда Алп Жамол номидаги мукофотни таъсис этди. Ҳар бири 100, 50, 25

минг сўмдан иборат учта мукофот танлови ҳар икки йилда бир марта ўтказилади ва мукофотлар адиб таваллуд топган кун — 22 августда топширилади.

Ушбу танловда барча ёзувчилар, драматурглар ва режиссёрлар иштирок этишлари мумкин.

ХАЙРЛИ ИШЛАР СОЛНОМАСИ

Республика Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби босмадан чиқди

Ушбу рисолада Республикаимиз мустақилликка эришгандан буён утган қисқа тўрт йил давомида иқтисод, сиёсат ва маънавий соҳасида қилинган ишлар батафсил баён этилган. Ундаги оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш масаласи бўйича амалга оширилаётган тадбирлар диққатга сазовордир. Жумладан, республика аҳолисининг ҳимояси ва муҳтож табақаларни — болалар, ёлғиз қариялар, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш, халқимизнинг асрлар оша яшаб ривожланиб, сайқалланиб келаётган анъаналари, қадриятлари, урф-одатлари, тили ва руҳиятини тиклаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги, оиладаги аҳолини тубдан ўзгартириш борасида амалга оширилаётган ишлар халқимиз диққат-эътиборида бўлмоқда. Дарҳақиқат, хотин-қизларнинг жамиятдаги, оиладаги аҳолини тубдан ўзгартириш, «уларнинг меҳнати ва турмушини ташкил қилиш», «уй-рўзгор ишларини ижтимоий ишлаб чиқаришда фол қатнашиш билан оқилона қўшиб олиб боришлари учун шароит яратиш», «уларга мустақил иш ўқитишларини топшириш, ўз профессионал ва маънавий имкониятларини тўла-роқ намойиш қилишларида имконият яратиш» борасида амалга оширилаётган савий-ҳаракатлар шарқона демократик барқарор жамият барпо этишдаги муҳим қадамлардир. Китоби ўқир эканмиз, Президентимизнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида олиб бораётган изчил сиёсати кўз ўнгимизда гавдаланади ва бу борада жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси руҳиятида амалга оширилиши лозим бўлган масалаларга масъуллик ҳисси пайдо бўлади.

Дарҳақиқат, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг ташкил этилиши ва «Соғлом авлод учун» нишонининг таъсис қилиниши, Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни қўлайлаштиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги 1994 йил 23 август; «Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги 1993 йил 5 февралдаги қарорлари; «Таълим тўғрисида»ги, «Соғлиқни сақлаш тўғрисида»ги қонунлари ҳам барқарор жамиятни қуришда давлатимизнинг инсон омили ҳақидаги ғамхўрлигидан далолатдир.

Ҳукуматимизнинг болали оилаларга ёрдам бериш мақсадидаги тузилган нафақа тизими мавжуд бўлиб, бу оилаларни ижтимоий ҳимоялашда муҳим рол ўйнамоқда. «Энди ҳамма нафақалар ва моддий ёрдам фақат оила орқали етказиб берилмоқда. Шу тариқа ижтимоий кўмак беришнинг ҳозирги тизимида оила асосий мавқега эга бўлиб қолди». Жумладан:

— бола туғилиши билан бир вақтнинг ўзида ишчи, олий ва ўрта махсус ўқув юртлири талабалари (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда тахсил оладиган), аспирантура, ҳунар-техника ўқув муассасалари, малака ошириш, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсларида тахсил олаётган аёлларга, шунингдек ўқимаган ёки ишламаган аёллар учун ҳам бериладиган нафақа;

— бола икки ёшга киргунга қадар уни парвариш қилиш учун ҳар ойда бериладиган нафақа. Бу нафақадан ишлайдиган ҳамда ишламайдиган оналар ҳам баҳраманд бўладилар;

— Республика Президентининг «Болали оилаларга давлат ижтимоий тизимини тақомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1994 йил 16 июндаги фармонида биноан, вояга етма-

ган—16 ёшгача бўлган болалар учун 1994 йил 1 сентябрдан эътиборан, оилада битта бола бўлса, ойига энг кам маошнинг 10 фоизи миқдориди; иккита бола учун 20 фоиз миқдориди; 3-4 та фарзанд учун 40 фоиз; 5 та ва ундан ортиқ болали оилалар учун 50 фоиз миқдориди нафақа бериб борилади;

— 16 ёшгача бўлган ногирон болалар учун нафақа тайинланган. Албатта бу нафақалар давлат бюджетидан берилади.

Дарҳақиқат, республикаимизда хотин-қизларни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш яхши йўлга қўйилган бўлиб, болани парвариш қилиш учун таътил-га чиққан аёлларга компенсация тўланади:

— туғишга қадар ва ундан кейин оналарга нафақа берилади;

Республикаимизда хотин-қизларнинг иш шароитларини яхшилаш, турмуш тарзини жаҳондаги тараққий этган давлатлар хотин-қизлари шароитлари билан тенглаштириш, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг давлат ва ижтимоий қўриқлидаги ролини ошириш борасида ҳам қатор таҳсинга сазовор ишлар қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 11 сессиясида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг «Иш билан таъминлаш сиёсати тўғрисида»ги 1964 йилги 122-конвенциясига, «Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 1979 йил 18 декабр конвенцияларига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши хотин-қизларнинг ҳақ-хуқуқларини ижтимоий ҳимоялаш борасида қўйилган дадил қадамлардир.

Республика Президентининг 1995 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат ва ижтимоий қўриқлишда хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони республика аҳолисининг 52 фоизига яқинини ташкил этадиган хотин-қизларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги кучи, ақл-заковати, иродаси, имкониятларига ишонч намунасида. Фармонга биноан республика хотин-қизлар қўмитаси раиси бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бош вазири ўринбосари мавқеини эгаллади. Вилоят, шаҳар, туман хотин-қизлар қўмиталарининг раислари эса ҳоким ўринбосарлари бўлиб ҳисобланадилар. Албатта, хотин-қизларимизнинг бундай юксак мавқега эга бўлишлари замирида жамиятда соғлом авлодни шакллантириш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, уларнинг имкониятларидан тўла фойдаланиш, хотин-қизларнинг маърифат, маданият ва таълим-тарбия ишларида фаол иштирок этишини таъминлаш ётади.

Шу муносабат билан Вазирлар маҳкамасида Хотин-қизлар билан ишлаш бўлими ташкил этилган бўлиб, республика раҳбариятининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий барқарорлигини таъминлаш борасида олиб бораётган сиёсатини амалга оширишга хотин-қизларни кенг жалб қилиш, давлат ва ижтимоий бошқарувда уларнинг иштирокини фойдалантириш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилишни қўлайлаштириш, хотин-қизларнинг моддий ва маънавий турмуш шароитларини яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаш, хотин-қизлар саводхонлиги, маданияти ва маърифати соҳаларида Ўзбекистон Республикаси давлат ва ҳужулки бошқаруви идораларининг, турли хайрия жамғармалар, жамиятлар ва бирлашмаларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимликларининг хотин-қизлар билан ишлаш бўлими мутасаддиларининг фаолиятларини мувофиқлаштиради. Республикаимизда хотин-қизлар ишлари бўйича ишчи органларга ташкилий методик раҳбарлик қилади.

Бугунги бозор иқтисодидаги ўтиш жараёнида республикаимизнинг барқарорлигини таъминлашда хотин-қизларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир. Жумладан, мамлакатимиз халқ ҳужулида ишлайдиган ишчи-хизматчиларнинг саломатида 46 фоизни, саноатда 52 фоизни, халқ таълимида 62 фоизни, соғлиқни сақлаш соҳасида 73,6 фоизни, қишлоқ ўжалигида 39 фоизни хотин-қизлар ташкил этади.

Президентимизнинг «Ҳусусий тадбиркорликда ташаббус қўратиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони республикаимиз хотин-қизларининг бу борадаги фаолиятларини янада ошириш имконини берибди.

Ишбилармонлик ва тадбиркорликда, ташаббус қўратишда аёлларимиз эркакларга қараганда ҳам масъулиятлиқдир. Лекин бу ҳолат уларнинг оила, фарзандларига бўлган меҳр-муҳаббатига путур етказмаслиги керак. Масалан, Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани ҳокими Раҳима Ҳакимованинг бу борадаги ишлари таҳсинга сазовордир. Бу туманда ўзини-ўзи таъминлашга алоҳида эътибор берилган бўлиб, ҳар бир жамоа ҳужулида ўзининг тикиш, тўқиш, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш бўйича кичик корхоналари мавжуд. Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, халқнинг маънавий юксаклиги, ёш болаларни соғлом қилиб ўстириш борасида болалар бочгалари, яслиларида яратилган юқори савиядаги шароит аёл раҳбарнинг ишбилармонлиги ва тадбиркорлигининг маҳсулидир. Жумладан туманда ёш болалар учун 8 турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона, пиллоқ ишлаб чиқарувчи кичик завод, нон ва нон маҳсулотлари тайёрлайдиган кичик корхоналар, иқтисодлаштирилган касалхоналар, маиший хизмат қўлатиш тармоқлари ва бошқаларнинг ташкил этилиш ҳукуматимизнинг юлларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасида олиб бораётган сиёсатига ҳамохандир. Раҳима Ҳакимованинг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги сабабли туманда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда таҳсинга сазовор ишлар қилинмоқда.

Туман тўлиқ газлаштирилган. Ичимлик суви билан таъминланган. Аҳолининг иқтисодий талабини қондирувчи маҳсулотларнинг 80 фоизи ўзларида ишлаб чиқарилади. Уларнинг барчаси халқнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий фаровонлиги йўлида қилинган ижобий қадамлардир.

Аёлларнинг бугунги тадбиркорлиги ҳусусида кўпроқ мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, Бухоро вилояти Гўлжувон туманида яшовчи Роҳула Бокеева 1993 йилда 3 та тикув машинаси билан иборат «Шахло» кичик корхонасини очган эди. Бу корхона ҳозирги кунда 600 иш ўрнига эга бўлиб, 5 минг ишчига мўлжалланган фабрикага айлантирилмоқда. Шунингдек, Наманган вилояти Косонсой туманидаги «Тергачи» қишлоғидаги О. Тاختапурова хонадониди миллий каштачилик чеҳи очилди. Қишлоқда яшовчи хотин-қизлар эндиликда бу ерда сифатли кашта буюмлари тайёрлашмоқда. Ушбу қишлоқда яшовчи У. Зиёвуддининова хонадониди ҳам дўппидўзлик чеҳи фаолият қўрсатапти. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Лекин шу билан бир қаторда бизни ташвишлантираётган ҳолатлардан ҳам кўз юмиш мумкин эмас. Баъзан ҳисмоний ва маънавий жиҳатдан турмушга тайёр бўлмаган қизлар турмушга узатишмоқда. Бу салбий ҳолат эса аёлларимиз соғлиғига путур етказаяпти. Албатта, бу каби воқеалар йилдан-йилга камаяётган бўлса-да, ҳозирча қониқарли эмас. Чунки Республикаимизда соғлом авлодни шакллантириш, мустаҳкам оилаларни таркиб топтириш масаласи долзарб бўлиб турган бир даврда, аввало, аёлни ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғломлаштиришга эътиборни қўлайтириш, ёшларимизни мустақил турмуш қўришга тайёрлаш, метиндек мустаҳкам соғлом оилаларни шакллантириш ҳамма-ҳамманинг диққат марказида бўлмоғи керак. Зеро, Шарқ аёли учун оила мўқаддас даргоҳ. Айна шу даргоҳда узаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ва ватанпарварлик каби олий даражадаги маънавий қадриятлар шаклланади, авлоддан-авлодга етказилади. Аёл эса шу мўқаддас даргоҳда ўзининг маънавий-ахлоқий поклиги, тадбиркорлиги, ижодкорлиги, тежамкорлиги, ғайрат-шижоати билан намуна бўлади, унинг мустаҳкам қалъага айланишида жонбозлик қилади. Аёл оламга хос тадбиркорлик, тежамкорлик, ишонч, ирода оила ва жамият учун катта таянчдир.

Ойниса МУСУРМОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси Хотин-
қизлар билан ишлаш бўлими
мудир, педагогика фанлари
доктори



Муассисларимиз фаолиятдан

«МЕНИНГ СЕВИМЛИ ЎЙИНЧОҒИМ»

Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси ташаббуси билан вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтиди «Менинг сеvimли ўйинчоғим» танлови ўтказилди. Ҳаммаёқни бочгаларнинг тарбиячи ва ходимлари ёғоч, лой, қоғоздан ясаган турли хил ўйинчоқлар босиб кетди. Томошабинларнинг кўзлари қамашди.

Вилоят бўйича ўтказилган бу танловда Андижон шаҳридаги 10-боғча ходимлари биринчи ўринни эгалладилар. Энди улар республика танловига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Ногирон болаларни ўйлаб

Асакада ногирон болалар ота-оналарининг семинари бўлиб ўтди. Унда олимлар, турли жамғарма ва ташкилотларнинг раҳбарлари, ҳокимлик мутасаддилари иштирок этдилар. Семинарда шу мавзуга оид бир қанча маърузалар тингланди ва мазкур шаҳарда ногирон болалар клуби ташкил этилди.

Ушбу анжуманда «Болаларни қўтаринг!» халқаро жамғармаси директори Марк Уэйт иштирок этди ва ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

ТАСАВВУФ СИРЛАРИ

Мухаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий буюк олим, нақшбандия тариқати шайхларидан биридир. Олимнинг «Хизбул ҳақоикил иршодия», «Ас-саиҳул мутафаккир», «Жамъул-жавотий», «Асрор ут-тасаввуф» каби асарлари бор.

Куйида ал-Жазарийнинг «Асрор-ут-тасаввуф» (Тасаввуф сирлари) китобидан айрим парчаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

НАФС ТАРБИЯСИ

Билгинки, одам ўгли ҳақиқат ҳақида соатлаб эшитса ҳамки, у билан ёлғиз қолмагунча, ҳақиқат унинг кўнглига урнашолмайди ва у ҳақиқатнинг шакли, қудрати, завқу-шавқидан бебаҳра қолаверади.

Инсон Аллоҳ (ЖЖ)нинг тенгсиз қудрат, туганмас неъматлари ва буйруқларини ёлғиз қолиб чуқур уйласса, руҳлар дала-сига экин экиб, яхши ҳосил йиғиб олгандек бўлади. Шунинг учун ҳам пайғамбарликдан олдин Расулulloҳ (САВ)нинг қалбларига хилват севгиси жойлаштирилганди. Ҳа, хилватнинг ўзига хос ҳикмати ва аҳамияти бор. Бусиз мусулмонларнинг ҳаётида бир бушлиқ пайдо бўлади. Кўриниб турибдики, мусулмон одам қилаётган тоат-ибодатларига, маълум вақтгача нафсини сўроққа тутувчи хил-

ватни илова қилмагунча комил бўлолмайди.

Айни шаклда киши ёлғиз қолиб, теварак-атрофга тийран кўз билан қараб, Аллоҳ (ЖЖ)нинг қудрати ҳақида тафаккур қилса, унинг ҳам сурат, ҳам сийратида ўзгариш бўлади.

Ҳа, инсон нафсининг шундай офатлари борки, уларни дунё зийнат ва ғала-говурларидан узоқда — сокин бир гўшада, нафсни тарбиялаш орқалигина бар-тароф этиш мумкин.

Кибр, худбинлик, риё ва дунё зийнатлари кишини ҳалокат жарига бошловчи офатлардандир. Киши Ислоҳ даъватига амал қилаётган бўлса ҳамки, бу офатлар яширин ва секинлик билан унинг маънавиятини емира бошлайди. Бу касалга мубтало бўлган кимса ўз руҳий шифохонасининг бир гўшасида ўзини-ўзи тез-тез сўроққа тутуши лозим. Бу ерда у Аллоҳ (ЖЖ)нинг иноят ва тавфиқиға нақадар муҳтожлиги, бутун оламни ўз ҳукм-иродаси остида тутиб турган Қудратли Аллоҳнинг азамати, раҳмати ва азоби қаршисида нақадар ожизлиги ҳақида чуқур ўйлаб кўради. Алал оқибатда унда келажакка тайёргарлик кўриш фикри туғилади.

Бу хусусларда бир неча бор ўйланса, кибр, худбинлик, ҳасад ва дунё севгиси каби офатларнинг ҳаммаси бирин-кетин йўқо-

ла боради. Бундан ташқари, бутун мусулмонлар, хусусан даъватчиларнинг ҳаётида аҳамиятли бўлган яна бир хусус борки, у ҳам бўлса қалбда Аллоҳ (ЖЖ) севгисини жойлаштирмоқдир. Аллоҳ (ЖЖ) севгиси эса жиҳод ва фидокорлик манбаи, ҳар самимий даъватнинг асосидир. Бу муборақ туйғу фақатгина ақлга суянган иймон билангина вужудга келмайди.

Иймондан кейин Аллоҳ (ЖЖ)нинг муҳаббатига васила булажак ягона нарсаси унинг неъматлари ва тенгсиз қудрати ҳақида ўйламоқ, тил ва дил билан Уни кўпроқ зикр этмоқдир. Бу эса вақт-вақти билан дунё икир-чирларидан ва фойдасиз сўз, амаллардан узоқлашмоқ билангина амалга ошиши мумкин. Буларга амал қилган мусулмоннинг қалби ислоҳ бўлади, илоҳий севги билан тўлади.

Шотибий (раҳматуллоҳи алайҳ) мусулмонларни икки гуруҳга бўлиб шундай дейди: «Биринчи гуруҳнинг ҳоли Исломи аҳд ва иймонга асосланган ақиданинг ҳукмларини бажарётган кимсанинг ҳоли кабидир. Иккинчи гуруҳнинг ҳоли эса қаттиқ кўрқув ва муҳаббатнинг ҳукми билан амал қилаётган кишининг ҳоли кабидир.

Кўрқув шижоат берувчи бир қамчи, умид-ташвиқотчи кўмон-

дон, муҳаббат эса ҳамлакор тўлқиндир.

Кўрққан одам ҳар қандай оғир шароит ва машаққатга қарамасдан амал қилади. Бу эса ундаги сабр қувватини оширади. Умидли киши севгиси йўлидаги барча қийинчиликлар ва тўсиқларга парво қилмайди. Тўла руҳий ҳа-ловатга қовушмоқ умидининг ўзигина унга куч-қувват ва руҳий далда бағишлайди. Севган киши эса севгилисига бўлган ишқи туфайли бутун куч-қудратини Унга етишишга сарфлайди. Қийинчилик унга жуда осон, узоқ ҳам яқин кўринади. Шунга қарамасдан у аҳдига тўла вафо қилганлигига ва неъматга лойиқ шукр қилганлигига ишнон-лолмайди» (Шотибий, "Ал-муваффақат" 1-жилд, 141-бет). Қалбда бундай виждоний кучларни вужудга келтириш учун бир мавзуга мурожаат қилиш керак бўлади. Бу эса жумхур уламолар ва кўплаб тадқиқотчилар "тасаввуф" деб ном берган, баъзилар "эхсон", Ибни Таймия каби баъзи олимлар "Илми Сулук" деб атаётган мавзудир.

Шуни алоҳида таъкидлашни хоҳлардикки, биз хилватни баъзиларга ўхшаб, "ҳаётдан батамом юз ўгириш" деб тушунмай-миз...

Туркчадан Абдуллоҳ Мурод Холмурод ўғли таржимаси

Ҳар бир гапингизни ўйлаб гапиринг экан. Чунки, "фаришталар" овмин деб юборса оқибати ёмон бўлиши ҳам мумкин.

Катта энам, онам ёлғиз қизи бўлганлиги учун доим тайинларди:

"— Анор, эҳтиёт бўлиб гапиринг, ёлғизимсан. Зинҳор, базинҳор ҳеч кимни қарғамагин. Ёлғиз қизнинг айтгани бўлади."

Отам вафотидан сўнг қўшнимиз онамнинг дилини вайрон қилди. Во-

ҚАРҒИШНИНГ КУЧИ

кеа бундай бўлган эди. Қўшнимизнинг молларини ҳадеб экинзордан ҳайдаб чиқариш жонга тегди. Шунга онам иккаламиз қўшнимиз билан оралиғимизни тўсмоқчи бўлдик. Эндигина 5-10 та чўпни кўмган ҳам эдикки, қўшнимиз Нортош хола пайдо бўлди.

— Ҳа, Анор опа! Нима қиял-псилар?

— Қўшни, молларингиз экинларни пайҳон қилиб ташлабди. Шунга оралиқни бекитаётган эдим.

— Ҳм... — дедию уйига қараб кетди.

Бироздан сўнг эри иккаласи келиб кўмган чўпларимизни сугириб ота бош-

лади.

— Ҳеч жойни тўсмайсан, — дўк урди эри.

Онам муроса қилмоқчи эди, бўлмади. Нортош хола онамни рўмоли билан юзини тўсиб ўшлаб турди. Эри эса кетмон билан онамнинг бошига урди ва дарҳол қочиб қолишди. Онамнинг уст-боши қип-қизил қон. Мен эса онамни кучиб йиғлардим. Эслаш мен учун жудаям оғир. Болалик тасаввурим билан ҳали ҳануз кўз олдимдан кетмайди. Эсласам бутун вужудим титраб кетади. Онам ўшанда қўшнимизни қарғаб, қарғаб йиғлади. «Илоё устингдан кўкинг (кўк кўйлак азадорликни билдиради) тушмасин. Устма-уст кўк кий».

Бизда одатда кўк кўйлакни бирон киши оламдан ўтса бир йиғгача кийишади.

Онамнинг қарғишларига фаришталар «овмин» деб юборишган шекли ёки ёлғиз қизнинг айтгани бўлади дейишгани ростмикин, ишқилиб орадан кўп ўтмай Нортош хола-нинг отаси, онаси, укаси вафот этиш-

ди. Кўк кўйлагини ташлашга улгурмай устма-уст кўк кўйлак кийди.

Энди эса онам бизларнинг қўлогимизга қўяди: "Болаларим, ҳеч кимни қарғаманглар, доимо хушмуомала бўлинглар" — деб.

Йигитлар гоҳида йигитлик ориятини йўқотиб қўяди. Йигитлик шаънига доғ туширади. Гоҳида "деди-деди"нинг орқасидан кимларнидир ранжитади. Кучига ишонишади.

Ўтган йили мени бир йигит айбсиз айбдор қилиб урган эди. Ушанда мен унга худонинг зорини қилдим. Афсус у тушунмади. Сўнгга мен у йигитни "Отамнинг арвоҳи урсин! Сен ҳам етим бўлгин!" дея қаргадим.

Орадан кўп ўтмай автобусда ўша йигитни учратдим. Унинг олдингидек кайфияти йўқ. Чақнаб турадиган кўзлари тўла мунг. Мени кўрдию дарҳол кўзларини олиб қочди. Дугонамдан эшитгандим. У ҳам отасидан айрилиб қолибди. Етимлик, қалби ўксиклик ёмон. Ахир ўзим етимликнинг нонини еб кўрдим-ку! Бировга, душманамга ҳам сира раво кўрмайман. Эҳ, аттанг, — дея олдим холос...

Хонбуви ҲИММАТ қизи, ТошДД, журналистика факультети



БИР КАЛИМА СЎЗ... ББ

Улар Дорилфунунга кириш имтиҳонлари топириладиган пайтдаёқ танишган эдилар. Бора-бора орадаги танишлик муҳаббатга айланди. Ошиғу-машуққа тақдир учрашганидан, бири-бирига боғлаб қўйганидан хурсанд, бахтиёр эдилар.

Ораларидаги муносабатдан ота-оналари ҳам воқиф бўлдилар. Ҳатто Сирожиддиннинг опалари қизин қўриб, ёқтиришди. Қиз томонидагиларга ҳам Сирожиддин маъқул бўлди. Хуллас, икки ошқ муҳаббатнинг тотли туйғуларини силсиласида гўё осмон-фалакда учирашди. Ногоҳон...

Янги фильм келганлигини эшитган Сирожиддин севгилисини кинога тақлиф қилди. Мафтуна эса бир дугонаси туғилган кунига тақлиф қилганини, бормаса бўлмаслигини айтиб, ундан узор сўради.

Мафтуна дугонасининг туғилган кунига борди. Дўстлар туғилган кунни яхшигина нишонлашди ҳам. Утириш сўнггида Мафтуна идиш-товоқларни йиғиштиришда дугонасига ёрдамлашши мақсадида ҳаммадан охирида қолди.

Сирожиддин эса истамайгина ёлғиз кинога тушди. Кинодан кўнгли тўлмай чиққан ошқ йигит йўл четидаги емакхонадан киттак отиб олгач, дадиллашиб Мафтуналар кучаси томон йўл олди. Беҳосдан куча бошида турган икки кишига қўзи тушди. Негадир у иккинчисининг гавдасини Мафтунаникига ўхшатди. Қиз эса ёнидаги йигитга қўл бериб хайрлашаркан, «рахмат, бу ёнга ўзим кетаман» — дея ўзоқлашди. Сирожиддин кўзларига ишонмай турган жойида қотиб қолди. Негаки, ҳалиги қизи — Мафтуна эди. Унинг юраги рашк ва аламдан ёнардиги, узини алдангандек ҳис қиларди.

Эртаси кун у ёмон кайфиятда дарса борди. Курсдош дўстларининг ҳазил-хўзуллари ҳам унинг кўнглини кўтара олмади. Ўзоқдан узи томон келатган Мафтунани қўриб ҳатто аширинмоқчи бўлди. Лекин Мафтунанинг сезгир нигоҳи уни тезда излаб топди.

— Сирож ака, салом! — Мафтунанинг саломлашиш учун узилган қўли ҳавода муаллақ қотиб қолди. Йигитнинг ёмон кайфиятда эканлигини кўрган Мафтуна қафтини унинг пешонасига қўйди.

— Бошингиз оғриятими?

Сирожиддин қўзининг қўлини силтаб ташлади. Тоқати тоқ бўлган Мафтуна:

— Гапирсангизчи, нима бўлди ахир?

— деди.

— Узингиз билсангиз керак!

— Нимани? — ҳайрат билан унга тикилиб сўради қиз.

— Кеча кечқурун қаерда эдингиз?

— Ахир айтувдимку, дугонанинг туғилган кунига бораман деб.

— Туғилган кун соат ўн биргача давом этмаса керак. Яширмасдан, учра-

шувга чиққандим деб қўя қолинг.

Дабдурустан айтилган гапдан узини йўқотган Мафтуна:

— Нималар деяпсиз, Сирож ака,

— дея олди.

— Кўрдим, ҳаммасини кўрдим. Севганингиз уйингизгача кузатиб қўйганиниям, нозик қўлчангизни тутқизганингизни ҳам кўрдим.

— Сирож ака, ахир у дугонанинг акиси эдику, — Мафтунанинг кўзлари ёшланди. — Кеч бўлгани сабабли кузатиб қўйди.

— О, шундай денг! Яхши, туғилган кун баҳона дийдор ганимат экан-да!

— Ахир у уйланган-ку, нега тушунмайсиз?

— Нима қипти, хотини билан ажрашадиги, қўяди.

— Сирож ака, — Мафтуна йиғларди. — Нега ундай дейсиз? Ахир яқинда... Яқинда турмуш қураимиз-ку.

— Нима дедингиз, ҳали турмуш қуришдан ҳам умидим бор денг? Билиб қўйинг яхши қиз, — Сирожиддиннинг кўзлари газабдан қисилиб кетди. — Менга бировларнинг сарқити керакмас.

Мафтуна гўё бадини музлаб қолгандек бир зум қимирламай турди. Бир оздан сўнг ўзига келгач, қичқириб юборди:

— Сарқит, ҳали мен сарқит бўлдимми?

Унинг боши айланиб, кўзлари тинди. Нуқул қўлоғи остида «сарқит» деган сўз жарангларди.

Йиллар ўтди. Сирожиддин бошқа қизга уйланди. Аввалига у узини бахтиёр сезди, бироқ кейинчалик бахти омонат эканлигини англади. Негаки гузал, дилрабо хотини сал нарсасдан жанжал чиқарадиган ва ҳатто Сирожиддиннинг гапларини писанд қилмайдиган бўлиб чиқди. Афсуски Мафтунада кўрган хислатларнинг бирортасини хотинида кўрмади. Ахирги бўлмади — ажралишди.

Сирожиддин баъзида кўча-қўйда Мафтунани қўриб қолади. Мафтуна ўғилчасини етаклаган, турмуш ўртоғи эса қизчасини кўтариб олган бўлишди. Шунда унинг юрагини аччиқ бир нима тимдалаб ўтади. У мағрурлик қиламан деб ҳаётда қаттиқ қоқилди. Сирожиддин ҳаётидаги энг ноёб гавҳарини узи улоқтириб юборганини, энди уни ҳеч қачон қайтариб ололмаслигини тушуниди.

Лекин энди кеч эди. Негаки, аччиқ қисмат жондан ортқ меҳр қўйган кишиисидан бир умрга, абадий айиргани, уша бир калима сўз тўфайли...

Наргиза ХОЛИКУЛОВА
Тош ДД талабаси



Мана ҳадемай абитуриентлар ҳам талабалик сафига қабул қилинади. Бир сўз билан айтганда улар учун талабаликнинг «олтин даври» бошланади. Бу «олтин давр» эса... Келинг, яхшиси гапни мухтасар қилайликда, хиндистонлик талаба дўстларимизнинг галати бир анъанаси ҳақида тўхталсак.

1993-1994 уқув йилида Хиндистоннинг Дехли Университетида ўқиётган пайтимда хинд олийгоҳларида ҳукм сўрган галати бир анъанани дуч келдим. «Реггинг» деб аталувчи бу анъана менга ҳазил деб тушуниришди. Аниқроғи, бу битирувчи курснинг биринчи курста энди кириб ўқиётган талабалар устидан қиладиган ҳар хил ҳазиллари «мажмуаси» экан. Битирувчиларнинг назарида мактабдан эндигина чиқиб, университетга ўқишга кирган талабалар ҳали гўдак ҳисобланиб, мактаб одатларини ташламаган ва мустақил ҳаётга қуниқмаган бўлишаркан. Хуллас, уларни талабалик ҳаётига бошлаб кириш битирув-

Балогат, ёшига етган, уйланиш тадоригини қўра бошлаган йигитлар томонидан амалга оширилган одат ёдингиздами? Маълумки, қишлоқ йигитлари содда, камтар ва уятчан бўлади. Шу сабабдан, уларнинг кўпчилиги «мен фалончини яхши кўраман», ёки «мени уйлантиринлар» деб ота-онасига тўғридан-тўғри айтишга андиша қилганлар. Натижада, уша «гаройиб» одат юзага келган. Унга қўра, йигит отасининг ё бўлмаса онасининг қилиши ичига яширинча сув ёки сабзи солиб қўяди. Қарабсизки, бу ўз-ўзини йигитнинг балогатга, уйланиш фурсатига етганлиги аломатини ифодалаган.



«ДАДА, УЙПАНТИРИНГ...»

Одатда, оилада ҳали уйланимаган фарзандларнинг тўнғичи бунини амалга ошириши керак бўлган. Аммо, баъзида бошқа фарзандлар ҳам акаларидан олдин «дил изҳори»ни ёришга ботинганлар. Шунинг учун ота-она аввало ўғилларидан бу ишни ким

қилганлигини секингина сўрашади. «Гуноҳқор» аниқлангандан кейингина унга «чора» қўришга киришилган. Гоҳида эса, оиладаги шўх болалар ҳазиллашиб акалари учун ҳам бу одатни бажариб юбораверишган.

А. САФАРОВ

ҲИНД УНИВЕРСИТЕТЛАРИДА РЕГГИНГ

Ҳазилми ёки талабалар анъанаси?

Талабаларни ҳам узига хос турмуш тарзи, анъана, урф-одатларига эга бўлган кичик бир табақага қис қилиш мумкин. Зеро, талаба халқи деган сўз ҳам бежиз келиб чиқмаган-да. Демак, бу халқнинг ҳам кимгадир табиий, кимгадир гайритабиий туюладиган, қолаверса, ҳеч қаерда эзиб қўйилмаган қонун-қоидаси мавжуд. Бундай «урф-одатлар» талқини эса турли мамлакатларда ранго-ранглиги билан ҳам ажралиб туради.

Дехли Университетининг коллежларидан бирида ўқийдиган Харш Хаул номли ҳинд дўстимизнинг айтишича, уларнинг уқув даргоҳида биринчи курслар эрталаблари университетта автобуснинг олдида тушиб югуриб келишган ҳоллари ҳам бўлиб тураркан. Дарвоқе, Хиндистонда ҳар бир университет, коллежнинг ўз автобуслари бўлади. Бу автобуслар шаҳарнинг турли бурчақларидан толиби илмларни эрталаб олиб келиб, дарслар тўтатгандан кейин маълум вақтда олиб кетади. Худди шу автобусларда келишадиганларида битирувчи курслар «қизишиб» кетиб, олийтоҳга маълум масофа қолганда «шўрлик» биринчи курсларни автобустан туширишиб, секин кетаётган автобус олдида югуриб боришга мажбур қилишар экан. Харшининг гапига қўра, реггинг аслида ҳинд университетларига Британия уқув масканларидан утиб келган бўлиб, инглиз талабалари орасида анча кенг тарқалган экан.

Мана ниҳоят биз ҳам биринчи марта ўз курсдошларимизни таниб, биринчи дарсга кирдик. Лекин... Дарсга домла энди кириб, йўқлама қиладиганда бир неча талаба келиб домлага алланималар деди. Домла ҳам дарс утмай бемаълум чикиб кетди. Ҳалигиларнинг ортидан эса бир гала йигит-қиз чиқди-да, ўз тилида алланималар деб уларни таништира бошлади. Негадир ҳеч нарсасида тушунмадик. Сўраб-суриштирсак «Реггинг»нинг танишиш маросими бўлаётган экан. Узларини таништириб бўлганларидан кейин навбат бизга келди. Навбат билан ҳамма биринчи курслар узларини таништира бошладилар. Бир боланинг навбати пайтида уни уртага чиқаришди. Анча вақтгача уни ўраб олишиб, масҳара қилишди. Шу сабабдан ҳам тез-тез қўлгў кўтарилиб турди. Кейин ҳалиги боланинг камарини ечиб, қўйлаги ёқасининг орқа томонига солиб қўйишди. Сўнгра эса уч марта сакраб, бир нималар дейишга мажбур қилишди. Балки бу ҳинд талабаларига эриш туюлмас. Аммо бундай ҳатти-ҳаракат, қолаверса йигит бечорани бир гала қизлар уртасида бундай мазох қилиш менга маъқул келмади. Начора, ҳар бир миллатнинг узига хос руҳияти, қарашлари мавжуд-да. Қолаверса, юқорида айтганимиздек, талаба халқи...

Шуларни уйлаб туриб, талабалик давримизнинг ҳам нечоғлиқ гузал, серфайз ва албатта маъсулиятли эканлигини яна бир қўз олдимдан ўтказаман. Менимча, бу даврининг узига хос завқ-у-шавқидан бебаҳра қолган талаба бўлса, юрагида кемтик бир армон қолган бўлади.

Салоҳиддин СИДДИҚОВ



Йўлдош Эшбек. 1950 йилда Самарқанд вилояти Иштихон туманида туғилган. Тошкент давлат университети ни тамомлаган. «Соғиниб яшайман», «Юксак дарахтлар», «Хаёт чечаги», «Мангу масофа» каби бир неча шеърӣ китоблар муаллифи. Ҳ. Олимжон номидаги мукофот совири.

Кейинги ўн йилликда ўзбек адабий танқидчилигида "70-йиллар авлоди" деган жумла пайдо бўлди. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Балки бу авлод вакиллари ўзларигача бўлган адабиётга туб янгиликлар олиб кирди, десак но-урин бўлар. Лекин... ҳар ҳолда шу авлодгина ўзидан кейин келадиган ёшларнинг адабиётга қарашларини ўзгартирди. Тўғриси, биз дунёвий ҳақиқатларни айта олиш жасорати-ни, умуминсоний дард ифодалари-ни шу авлод вакиллариининг мис-кин изтиробларида кўрдик ва улар-дан ўргандик.

Дарвоқе, ўша авлодга тааллуқли бир шоир ўз тенгдошлари ҳақида гапиратуриб, "бизнинг авлод ма-ҳиябозликдан йироқ" деган эди. Ҳа, шундай. Агар айонмасангиз ўша авлод шоир ва ёзувчиларнинг ўша йилларда яратилган асарларини ўқиб кўринг... Шавкат Раҳмон, Хур-шид Даврон, Мурод Муҳаммад Дуст, Тоғай Мурод, Азим Суюн, Усмон Кўчқор... бу авлод вакилла-ри ичида Йўлдош Эшбек ҳам бор. Гарчи адабий жамоатчилик бу шо-ир ҳақида тўғал бир гап айтмаган бўлса-да, унинг ижодида кизиқиш бундан анча йиллар илгари ўзига хос ҳусусият касб этган эди.

Ҳамон эсимда, ёзувчилар уюш-масининг мажлислар залида шеър-хонлик кечаси бўлаётган эди. Атоқ-ли шоирлар минбарга чиқиб, ҳайки-риб шеър ўқийётган пайт. Кимдир ҳурмат юзасидан, кимдир чарча-нидан жим ўтирибди. Яна кимдир шоирни тинглапти. Ушунда залда ўтирганлар ичидан кимдир "Йўлдош Эшбек", деб юборди. Барчамиз ортга ўтирилдик... Эшик ёнида "Бе-маврид кириб қолдим шекилли", дегандай Йўлдош ака суппайиб ту-рарди. У ҳижолатда эди. Менга га-лати кўринганидан ўшунда у... Шо-ирга анча қараб турдик. У эса биз-га қараб гоҳ жилмаяр, гоҳ айб иш қилиб қўйгандай тўмтайиб оларди. Бирин-кетин зал ичидан "Йўлдош шеър ўқисин", "Йўлдош акадан эшитайлик" деган хитоблар янграй бошлади ва кўп ўтмай бутун зал шу гапни такрорларди. Президи-умда ўтирган катта шоирлардан би-ри ўшунда "Йўлдош сал нафасини ростлаб олсин, ундан бошқа шеър ўқийдиганлар ҳам кўп", деб қўлини кўтариб залдагиларга мурожаат қилса-да, бўлмади... Йўлдош Эшбек минбарга қараб юра бошлади. Ҳи-жолатдан боши эгилди кетган шо-ирнинг айни пайтдаги кўриниши мен учун аянчли эди, "ўқиймайди, деб ўйладим мен. Ҳозир тўтулиб қолади-да..." Йўқ, шоир минбарга чиқиб сертомир қўллари билан озини бекитиб бир-икки йўталган бўлди кейин равош шеър ўқий бо-шлади.

Биз кетамиз қишлоқдан онам қолар қузатиб, Йўл четида майсалар қўлларини узатиб...
Шоир қўзларини юмиб шеър ўқирди. Бутун зал тўлганганди ўшунда...

Бу воқеага анча йил бўлди. Лекин ўша кундан бўён ҳаёлимда "шоир би-лан суҳбат қилиш" фикри айланиб юрарди. Бир куни шоирни автобус-да учратиб қолдим. Анча гаплашдик. Муддаомни айтдим. У "эртага уйга ўтинг" дея хайрлашди. Лекин режа-лар нимагадир орқага сурилиб кета-верди. Орада шоирнинг отаси олам-дан ўтдилар... Шоир қишлоқдан кич-кинагина бўлиб қайтди. Кўп ўтмай ҳаммаслаги, дўсти, устози, қўниси, истеъдодли шоир Тилак Жура ҳам... Шоир мунгайиб қолди. Бир неча бор

уни қидириб бордим, лекин уйига ки-ролмадим, юрғим бетамади.

Мен юқорида 70-йиллар авлоди биз ёшларнинг адабиётга қарашла-римизни ўзгартариб қўборди, дедим. Сабаби, адабиётнинг чўққиси, ғи-рарлик романлари-ю, танқидий реализм деган қотма фикрнинг йўқолишига ва дунёда аллақачоноқ (яъни XX аср бошларида) янги адабиёт яратилган-лигини шу авлод изланишлари орқа-ли пайқадик.

Ҳа, 70-йиллар авлоди нафақат ўз ўқувчиларини тоғди. Балки, бугунги ўзбек адабиётига янги насим олиб келди. Йўлдош Эшбек мана шу авлод вакиллари ичида ўз сўзига, овозига эга шоирлардан. У Нурота тоғ ён ба-ғирларидаги кичкина бир қишлоқда туғилган. Балки шунданки, унинг ижодида кўпроқ халқона рух, яъни бахши шоирларимиз нафаси сези-либ туради.

Йўлдош Эшбек қизиқ одам. Мас-алан, унинг ўн йиллар илгари соқоли йўқ эди, табиблик қилмасди, амри маъруф ҳам... Лекин ҳозир шундай. Мен гоҳида ҳақиқатдан ҳам шоир қа-риётгандир, деб ўйлаб қоламан. Одатда одам қариётганини сезса шундай... шошиб қолади.

Шоир қарийб ўттиз йилдан бўён пойтахтда истиқомат қилади. Лекин баъзан у менинг назаримда олис қўл-дан ҳозиргина келиб турган одамга ўхшайди. Бадавийлар бошқача бўла-дилар. Қарашлари, гапиришлари, ҳатто кулишлариам. Агар эътибор берган бўлсангиз саҳройилар бир қа-дар ҳокисорроқ, камтарроқ келади-лар. Улар одатда ўз турмушларидан ташқари нарсалар ҳақида (масалан, денгиз, ўрмон ва ҳ. қ.) гапиришни хуш кўришади. Йўлдош Эшбек ҳам таниқли шоир бўлса-да, адабиёт ҳа-қида жуда кам, онда-сонда гапира-ди. Гуё адабиётнинг унга алоқаси йўқдай. У такрор-такрор худони, аёл-ни тилга олади. Назаримда аёллар-ни унчалик хушламаса керак. Лекин

аёллар ҳақида жуда кўп шеър ёза-ди...

Унинг ибтидо ва интиҳо ҳақидаги қарашлари ҳам жуда қизиқ. У ўлим ҳақлигини тан олади. Лекин ундан кўрқса керак. Негаки, у ўлим ҳақида жуда тушкун кайфиятда гапиради. Яқинда Вертер тақдири ҳақида га-пира туриб "Ақлдан эмас бу. Ақлдан... эмас" деди.

Биз шоир билан узоқ суҳбатлаш-дик. Бошида унинг интервью бериш-га нўқолиги мени анча қийнади. Ле-кин кейинчалик суҳбат анча жонла-ниб кетди.

— Йўлдош ака, кейинги пайт-ларда "қўринмай" қолдингиз, илгарилари ҳар ҳафтада бўлма-са-да, ойда бир шеърларингиз газетда чиқиб турарди...

— Ҳозир ҳам чиқиб турибмиз. Ке-йин, ҳозир ишлаяпман — "Ёшлик"да муҳаррир ўринбосари. Бундан таш-қари таржима билан шугуллана-япман. Ўлжас Сулаймоннинг йирик дostonларидан бирини ўзбекчага ўғиряпман. Насиб қилса яқин орада тугатаман.

— Ўлжас Сулаймонни қандай шоир, деб ўйлайсиз?

— У буюк... Ҳа, буюк шоир. Кейин жуда ақлийман.

— Бир пайтлар орқаваротдан "Йўлдош Эшбек роман ёзаётган

Йўлдош ЭШБЕК:

АДАБИЁТ ЖАНГГОҲ ЭМАС

эмиш" деб эшитгандим...

— Ҳа, бошловдим. Кейин нимага-дир совиб кетди.

— Негачи?

— Қўшмин адабиётшунос Аҳмад-жон (Отабоев) билан кунда бўлма-са-да, кунора қўришиб, суҳбатлашиб тураимиз. Бир куни унга шу ҳақда гап очгандим... Очиғи, бугунги роман-лик жараёнини шу пайтгача билмас эканман. Шундан кейин ўзимга-ўзим: "Э Йўлдош, янгилик қилолмаганин-гдан кейин, оёқ остида ўралашиб ни-ма қилсан, дедим".

— Сизнингча, ҳамма янгилик қилиши керакми?

— Менинг ўзимга қўядиган тала-бим — яхши ёзиш. Бошқа ҳаммаси иккинчи даражали иш.

— Ҳозирги ёшлар нафақат шеърятда, балки насрда ҳам ўзгариш қилишга уринишяпти. Уларнинг тажрибалари умид йўғотди. Лекин, янгилинишга бўлган бундай "салбий юриш"нинг асосий сабаблари ни-маларда, деб ўйлайсиз?

— Бунинг сабаблари кўп. Илк са-бабларидан бири эса кейинги йил-ларда адабиётга ўзгача қарайдиган, жаҳон тараққийпарвар адабиётнинг пасту баланидан хабардор авлод кириб келди.

— Модернизм адабиёти XIX аср охири XX аср бошларида пайдо бўлган бўлса-да, бизга 70-йил-лардагина етиб келди. Бунинг са-баби нимада деб ўйлайсиз?

— Бунда коммунистлик мафкура-нинг "хизмат"лари кўп. Хусусан, сиз айтётган модернизм адабиётининг асосчилари Жюис, Прус, Кафкалар ижоди собиқ совет мафкурасига зид, деб талқин қилинарди. Фақат 50-йилларнинг охири, олтимишинчи йилларнинг бошига келибгина бу са-нъаткорларга бўлган қараш бироз ўшмаган. Ва уларнинг асарлари илк маротаба ўша йилларда ўрисчада нашр қилина бошланган.

— Совет мафкурачилари бу ёзувчиларнинг нимасидан чўчиш-

ган экан?

— Хабарингиз бор. Модернизм адабиётининг моҳиятида жамиятга, инсонга тушкунлик билан қараш тенденцияси устун. Собиқ совет давлатида эса ҳеч ким тушкун ка-йфиятда бўлиши мумкин эмас эди.

— Йўлдош ака, энди мавзу-дан сал четлашсак. Нимага сиз айнан қайта қўриш даврига ке-либ соқол қўйдингиз?

— Қайта қўришга менинг соқол қўйишимнинг нима дахли бор?

— Паскалнинг "агарда Кле-опатранинг бурни салгина қий-шиқ бўлганида тарих тамоман бошқа йўлдан кетарди", деган гапини эшитмаганимиз?

— Балки у ҳақдир. Ҳар ҳолда Клеопатра тарихни турли йўлларга бошқаришга қодир малика эди. Ле-кин мен... Сиз жуда ўринсиз савол беряпсиз...

— Йўлдош ака, ҳақиқий са-нъаткорга ижтимоий муҳит кў-маги унчалик аҳамиятли эмас, содир бўлган қийинчиликлар уни ўз машғулотидан совутол-майди, деб ўйлайман. Чунки ха-роб ҳаёт кечириб, беназир асарлар яратган буюк инсонлар ҳақида кўп ўқиганман. Улар мактанмайдилар, асарим хал-қни тарбиялайди, деб даъво қилмайдилар. Биз эса...

— Санъаткор-учган япроқ... да-рахтини, япроқлигини, яхшилигини хотирлаш баробарида япроқ умри ҳам сарғайиб бораётганидан, ҳай-хот, бундан завқ ҳам туйди, ерга тушиб... мевага айланади. Энди биз завқланамиз унга боқиб. "Бун-чалар мустаҳкам хона хуришд". Япроқ-ошиқ, гадо. Унинг оти—ха-зон.

— Ҳазрат Навоий марҳамат қила-ди:

Йиқилгон ишқ аро сихат тамаъ қилма масиходин, Ки бу беморлигидан кимса кўпкун йўқ, даво айлаб.

— "Санъат-санъат учун" деган гоёга қандай қарайсиз?

— Бу гоё атрофидан неча асрлар-дики, одамлар бир-бири билан ёқаме-ёқ бўлишади. Менинг би-лишимча, яхши адибнинг ўқувчиси кўп бўлмайди. Мисол учун Ҳазрат Навоий: У буюк, лекин оммавий эмас...

— Назаримда, кўплаб истеъ-додлар давр, жамият зидди-ятларига ўралашиб, ўзларида-ги қувватни қурбон қилгандай. Дейлик, совет адабиётини икки бўғинга ажратиш мумкин эди. Тор маънода албатта. Мафку-рани шарафловчи яланғоч бўл-ди, иккинчиси қарғаб. (Чунки "мафкурага қарши курашиш ҳам мафкура" аслида) Мисол учун биз машҳур ёзувчи деб тан оладиган Солженициннинг "Архипелаг гуллаг"и айтилиқ 30-40 йилдан кейин бир тари-хий ҳужжатга айланиб қолма-йдими?

— Адабиёт-жасорат майдони, деб қараган одам адашади. Юқо-рида айтганимдай, адабиёт ҳар бир адибнинг ўта шахсий машғу-лоти бўлмоғи керак. Афсуски, биз-да бундай бўлмади. Адабиёт ижти-моий ҳақиқат жанггоҳига айланиб кетди.

— Газетамиз муштарийлари-га қандай тилақларингиз бор?

— Энг оғир кунлар ортда қолди. Бир пайтлар бутун жаҳонни мада-нияти, санъати ва чексиз қудрати билан лол қолдирган буюк мамла-кат — она-Ватанимиз яна дунёга юз бурмоқда. Худо хоҳласа, ҳаде-май юртимиз ер юзидаги энг илгор мамлакатлардан бирига айланади. Бу йўлда Аллоҳ барчамизга мадад-кор бўлсин!

Ўрол СОДИҚ
суҳбатлашди

• Фойдали маслаҳатлар

КАРАМ ХУСУСИДА

Дастурхонингизни безаб турган сабзавот ва таомларнинг келиб чиқиши, фойдалари ҳақида ҳеч қизиқиб қурганмисиз? Биз фойдаланиб келаётган масаллиқларнинг қанчалар узоқ тарихга эгалигини билиш қўлчилик учун қизиқарли бўлса керак, албатта. Қуйида сиз муҳлисларни дастурхонингиздаги неъматлар билан қисман бўлсада яқинроқ таништиришни ният қилдик. «Айтадиган гапингиз» чиқиб қолса, марҳамат, саҳифамиз сиз учун мунтазир.

xxx

Бизнинг юртда карамни билмаган одам топилмас керак. Ушбу масаллиқ қўшилган таомнинг мазасини дарҳол сезамиз, аммо унинг қизиқарли томонларидан ҳамма ҳам хабардор бўлмас керак.

Карамнинг ватани Европанинг ғарбий, қадимги иберийлар яшаган, ҳозирги Испания ҳудуди бўлганлигини қўлчилик биологлар

тасдиқлашади. Қадимги рим ва латин тилида бу сабзавотни «капуста» яъни калла деб аташган. Ҳақиқатан ҳам бир-бирига киришиб кетган карам барглари қабарик, тарам-тарамлиги миёни эслатиб турса, катта юмалоқ карам каллага ўхшайди.

Карам бош органларига фойда эканлиги турғисида табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино шундай дейди: «Карам қайнатмаси ва уруги маст булишни кечиктиради, бошнинг қисмоғига фойда қилади, карам шираси бурунга юборилса миёни тозалайди.»

Уйқусизликка мубтало бўлганларга карам ейиш тавсия этилади, заҳарланганларга ҳам карам едирилади. Мастларни хушёр қилиш учун карам берилган, бош оғриси ҳам карам еб шифо топишган. Мастлиги утиб кетган кишига шуркарам сувидан бир пиёла ичириб юборилса, дарҳол узига келади.

Ҳаммасидан ҳам буюк математик олим Пифагорнинг карамдан тайёрланган тамаддисидиққатта сазовордир. У карамнинг яшил барглари олиб ташлаб, ўзаги билан бирга 4 ёки 6 паллага бўлган. Уни тузли сувга солиб, милтиратиб қайнатган, гоҳо юзига сеппиб, ҳозирги бизнинг мантиқасқонга ўхшаш идишда буглаб пиширган. Пишиш муддати бир соат. Пишигач юзига сарғғ ёки қаймоқ суркаб дастурхонга тортган. Ушбу таомнинг бу қадар омалашиб кетишига сабаб уни хоҳлаган хасталикда парҳез сифатида қўллаш мумкинлигидир. Агар соғлом одам ҳар куни кечки овқат пайтида уша тамаддидан еб ётса, эрталаб узини жуда енгил ҳис қилади, кишини ута семириб кетишдан асрайди.

Абдуғани ЛАТИПОВ
тайёрлади

ТАБРИКЛАЙМИЗ



Яккасарой тумани ИИБ Кўриқлаш бўлими 2-милиция кўриқлаш пункти бошлиғи, милиция капитани Ш О К И Р -


ЖОН КАХҲОРОВ!

Сизни таваллуд кунингиз билан самимий қутлаймиз. Сизга узоқ-умр, бахт-саодат ва оилавий тотувлик тилаймиз.

Ҳамиша омад ёр бўлсин. Эҳтиром билан: Қирғизбоев Муротжонлар оиласи, МКП жамоаси

ШАВКАТ ака!

30-июл — туғилган кунингиз қутлуг бўлсин!



Не кутдигиз бу ҳаётдан барин топинг илоҳим.

Тугал бўлсин топингиз, ҳавас қилсин дунёси.

Ўттиз тўртта атиргул келтирди сизга кўн-гил...

Омон сақлар жонингизни сиз суйган дил дуоси.

Мен.

Азиз падали бузрукворимиз Хожи Шаҳобиддин НИСОМИДДИНОВ!

Сизни 1995 йил 29 июл кунингиз муборак тўйингиз — табаррук 60 ёшга тў-

лишингиз муносабати билан чин қалбдан табриклаймиз. Умрингиз узоқ, тану жонингиз соғомон бўлсин. Илоҳим, бахтимизга доимо бизга йўлбошчи бўлиб юринг.

Фарзандларингиз.

Сурхондарё вилояти, Сарийе тумани Сангардак жамоа хўжалиги

Булунғурда яшовчи азиз ва меҳрибон волидаи муҳтарамамиз

ТУМАННОЙ МЕЛИКУЛОВА!

Онажон, сизни 5 август таваллуд топангиз кунингиз билан муборакбод этамиз. Сизга узоқ-умр, сиаҳат саломатлик тилаймиз.

Бизларнинг бахтимизга ҳамиша омон бўлинг.

Тошкентдаги фарзандларингиз Салим, Нилуфар, Наргиза, Икром

Хурматли Зайнобиддин ва Нилуфархон!

Сизларни ҳаётингиздаги энг қувончли кун — висол тўйларингиз билан чин юракдан муборакбод этаман. Сизларга боқий умр, сиаҳат-саломатлик,

бахтли ҳаёт доимо ҳамроҳ бўлсин.

Жиянингиз ЧОРИ Тошкент шаҳри

Дилбандимиз ВАЗИРАХОН!

Сени 3 ёшга тўлган кунинг билан табриклаймиз. Униб ўс, камолга ет. Кўзимизга нур бўлиб йўлимизни ёруғ қил.

Сени суйиб: аяжон, дадажонинг, уканг Азамат ва Бобо момоларинг.

Тошкент-Китоб-Чорва қишлоғи.

ЖАҲОНГИРЖОН!

1 ёшга тўлибсан, Аллоҳим доим мададкор бўлсин, деб бобонг Тўхта момонг Зарҳол.

Қамаши, Чорвадор қишлоғи

ОТАЖОН!

Сизни табаррук 60 ёшингиз билан табриклайман. Ўғлингиз Ваҳидон, Ўғулорингиз Валихон, Ўғулорингиз Қорачикон қишлоғи.

• ОИЛА

31 ЁШДА

Битта қизчаси бўлган олий маълумотли ўқитувчи аёл 32-38 ёшлардаги (мутахассислиги ўқитувчи бўлса) киши билан мустаҳкам оила қуриш ниятида.

«Оила-413»

ДЕРАЗА

РОССИЯДА ЯНГИ ПУЛЛАР

1995 йилнинг 26 июлидан Россия Марказий Банки 10 минг ва 50 минг рубл қийматига эга бўлган янги пул банкнотларини муомалага чиқарди. Сентябрь, октябрь ойларига бориб эса минг ва 5 минг рубллик пуллар ҳам чиқади. Марказий Банкдагилар эски пуллар ҳам янгилари билан бирдек муомалада бўлишини таъкидлашмоқда.

Уларнинг ҳисоб-китобида кўра, эски пулларни аста-секинлик билан йиғиб олишга 2,5-3 йил вақт кетар экан. Демак, россияликлар кўнглиларини тўқ қилсалар ҳам бўлади.

САЙЛОВЛАРНИ ТАШВИШЛАРИ

Россияда Давлат Думасига сайловлар қилинган сайин турли фракциялар ва уюшмаларнинг сони ҳам ортиб бормоқда. Яқинда Дума раиси Иван Рибкин ўз атрофида элликдан ортиқ партия ва жамоат ташкилотларини бирлаштарган фракция тuzилганлигини эълон қилди. И.Рибкин ўзи бошчилик қилаётган бу фракция бўлажак сайловларда 50 фойиз овоз олишига умид билдиришмоқда.

РЭКЕТ ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

Уфа шаҳридаги марказий бозор яқинидаги ер ости йўлида ун икки ёшли рэкетчи пайдо бўлди. У кун қуриш учун шу ерда мусиқа чалиб пул ишлайдиган дайди машшоқларни ўзига ўлжа қилиб олган экан. Йигитча уларнинг олдида бориб: «Мени шу ернинг хўжайинлари юборишди, агар жой учун пул тўламасанлар, ёмон бўлар экан», деб ҳар бир мусиқачидан 5-10 минг рубл йиғиб олади. Ёш рэкетчи шу йўл билан топанг пулига яқинда велосипед сотиб олди.

ЖИНОЙ ВА ЖАЗО

Озарбойжон республикаси прокуратураси собиқ миллий хавфсизлик вазири Наримон Имронов устидан қўзғатилган терговни яқунлади ва ишнинг судга оширди.

Н.Имронов ватанга ҳиёнатда, порахўрликда, оммавий тартибсизликлар уюштиришда айбланиб сирдан улим жазосига ҳукм этилган собиқ мудоффа вазири Раҳим Қўзиев ва яна уч жиноятчининг миллий хавфсизлик вазириликка қарашли тергов изоляторидан қочиб кетишига ёрдам берганликда айбланмоқда. Бу жиноий ишнинг катта шов-шувларга сабаб бўлиши кутилмоқда.

«АБСОЛЮТ» ҚАЛБАКИ ЭКАН

Швециянинг машҳур «Абсолют» ароғини ким билмайди дейсиз! Яқинда ана шу ароқни ишлаб чиқарувчи фирма вакиллари англиялик изкуварлар билан ҳамкорликда Венгриянинг Орашхаз шаҳрида жойлашган яширин фабрикани фош эттишди. Бу фабрика анча вақтдан бери қалбаки «Абсолют» ароғи тайёрлаш билан шуғулланиб келган экан. Венгриялик «ишбилармон» жаноблар тўрт миллион шиша қалбаки ароқни Россия ва МДХ мамлакатларига сотиб, чўнтақларини қаппайтиришга ўлгуришган экан. Шаҳар темир йўл бекатида эса Россияга жўнатишга тайёр қилиб қўйилган 400 минг шиша ароқ ўшлаб қолди.

Хуллас, бозордан чет эл ароғи сотиб олишдан аввал унинг ҳақиқийлиги ёки аксинча эканлиги ҳақида бир ўйлаб қуриш.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди



Шубҳасиз, бир оиланинг бу қадар туқис, ҳавас қиларли тақдирида, яхши-ёмон кунларда Абдурасул ака билан баробар заҳмат чекаётган, ҳаётини фарзандлари камоли йулида баҳшида этган табарруқ инсон — она, уй бекаси, набиралар бувижонисининг хизматлари катта. Чунки санъаткор одамнинг оиласи бўлиш осон эмас.

«Албатта, — дейди Абдурасул ака, — уйдан кунглим тинч, хотиржамлиги туфайли ишда омадим юришади. Агар узокқа гастролларга кетсам, халқ хизматида бемалол юрсам, фарзандлардан кунглим тўқ».

Ҳа, Фотимахон Иброҳимова ҳам ишлаб, ҳам шунча фарзанд тарбияси билан банд бў-

ҲАВАС ҚИПСА АРЗИГУЛИК

Бу одам ҳақида менга: «Уз касбининг устаси. Санъат учун жонини ҳам фидо қилади», — дейишганди. Дарҳақиқат, моҳир созанда Абдурасул Ғуломов билан танишиб суҳбатлашганимда, бу гапнинг ростлигига ишондим. Ёшлигидан севган касби — карнай-сурнай, ного-ра-доира чалишнинг устаси бу санъаткор 18 йилдан буён Муҳиддин Қориеқубов номидаги Ўзбек давлат филармониясида созандалик қилиш билан бирга, халқ хизматида камарбаста. Абдурасул ака ҳеч қачон «чарчадим, дам олишим керак», — деган эмас. Чунки у ҳаётини санъатсиз тасаввур қилолмайди. Эҳтимол, шунинг учун одамлар унинг номини ҳурмат билан тилга олсалар, ажабмас.

Ҳаётини, борлигини санъатга бахшида қилган бу одам оилавий тақдири билан танишсангиз, у кишига бўлган ҳурматингиз яна бир карра ошади. Ахир, 9 фарзанд — 4 киз, 5 углини камолга етказиб, уй-жойли қилиш, 11 неварига сеvimли бува бўлиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Фарзандларининг барчаси эсли-хушли, одобли, ҳаётда уз урнини топувчи инсонлар бўлиб етишишди. Айниқса, урта угли ота касбини давом эттиратганларини қуриб, Абдурасул аканинг гурурдан боши кукка етади. Демак, санъат йулида чеккан заҳматлари беиз кетмабди, унинг ишини давом эттирувчилар — ворислари бор.

либ, ҳеч қачон нолиган эмас. «Оилада уй-жой, фарзандлар билан шугулланиш аёл киши зиммасида бўлади, — дейди Фотимахон опа. — Аёл вақтини қанчалар тўғри режалай билса, бу унинг ютуғидир. Фарзандларнинг барини бирдек қуриш, ҳаммасига узига яраша муомала қилиш лозим. Шундагина оилада осудалик ҳукм суради. Бутун мен фарзандларимнинг барчасидан миннатдорман».

Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки фарзандларнинг барчаси бир касбнинг бошини тутган, уйли-жойли, бола-чақали. Ҳамма фарзандларини мустақил ҳаётга йўллаган Абдурасул ака ва Фотимахон опа бутун бир угил ва келинлари билан яшайдилар. Агар оиланинг ҳамма аъзолари бир кунда тупланса борми, байрам бўлиб кетади. Ота-она учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Невараларни айтмайсизми, бири-биридан ширин. Айниқса, катта оиланинг энг кичик аъзоси Хурсана бутун ҳамманинг овуночи, бувижон ва буважоннинг кузмунчоғи. Биз оиланинг сафи ана шундай жажжилар ҳисобига янада кенгайишини тилаб қоламиз. Эҳтимол, ҳали улар орасидан яна ажойиб санъаткорлар етишиб чиқар. Илоҳ, шундай бўлсин!

Г. УМАРОВА

ЭНАГА ОНАДАН АФЗАЛМИ?

Илгари маълум қилганимиздек, Америка оилаларининг кўпчилигида аёл ҳам, эркак ҳам давлат иши билан банд бўлади. ШУ боис фарзанд тарбияси билан асосан энагалар шугулланади. Бугунги кунда энагалик Америкада анча тараққий қилган касблардан саналади. Техас штатида жойлашган энагалар Ассоциациясининг таъкидлашича, АҚШда 75-100 мингдан зиёд малакали энагалар мавжуд экан.

Энага болани тарбияловчи, парваришловчи инсон. Боланинг туққан онаси гудагига жон ато этган бўлса, энага унинг жажжи юрагига меҳр-муҳаббат, одоб-ахлоқ туйғуларини олиб кириши керак. Шу сабабли энагалар бу борада чуқур билимга, тажрибага эга бўлишлари шарт. Чунки бола тарбияси, камолоти унинг кўлида экан, бу катта масъулият-да...

«Кейинги пайтларда энагалар ёллаш фақат бой хонадонлар учунгина эмас, балки урта тоифадаги кишилар учун ҳам одатий ҳолга айланаётир», — дейди Энагалар Ассоциациясининг директор муовини Жонет Шаннон.

Ота-оналар болалари учун ҳақиқий жон койиладиган энагаларни хоҳлаши шубҳасиз. Бундай катта тажриба, билимга эга бўлган энагаларни топиб беришни эса махсус агентликлар амалга оширишаркан.

Баъзи хонадонларда энагаларга ҳаддан ташқари кўп, ортиқча ишларни юклашапти. Яъни «хўжайин»ларнинг айримлари энагалардан нафақат бола парваришини, балки уй-рузгор юмушларини бажаришини ҳам талаб қилмоқдалар. Шу сабабдан энагалар кўп ҳолларда ўз ишини ташлаб кетишга маж-

бур бўлишапти. Бола тарбиясидек ўта масъулиятли ишни уй-рузгор юмушлари билан бир вақтда бажариш ишимизга пурта етказди, дейди америкалик тажрибали энагалар. Қолаверса, энагалар қатъий режим асосида болани ўйнатиши, сайр қилдириши, овқатлантириши, чўмилтириши, ухлатиши керак-да...

Американинг бир қанча олий мактабларида, коллежларида, университетларида энагалар тайёрланади. Масалан, Калифорниядаги энагалар коллежининг ўзи йилига 200 та мутахассис етиштириб чиқараркан. 6 ой муддат ичида бўлгуси энагалар гудакларнинг физиологик, биологик, психологик жиҳатларини мукаммал урганишаркан.

Энагалар орасида ҳар томонлама билимга эга, дунёқарашли кенг бўлганлари ҳам анчагина. Шулардан бири 31 ёшлик Заванда Вашингтон бўлиб, у Далласда энагалик қилади. Унинг айтишича, кўпгина кишилар энаганинг хизматида яраша ҳақ тўлашмас экан. Заванданинг ўзи 2 та болага энагалик қилаётгани учун ҳафтасига 400 доллар пул оларкан. Дарвоқе, энагаларнинг маошлари қанча экан, деб қизиқаётгандирсиз. Таассуфки, бу борада мақташга арзигулик бирон нарса дейиш қийин. Статистик маълумотларни кузатар экансиз, энг кам маош оладиган кишиларнинг ҳам биринчи поғонасини энагалар эгаллайди. Яъни Америкада энагалар ҳафтасига ўртача 154 доллар маош олишаркан. Бу кўрсаткич уларнинг моддий эҳтиёжини қондира олмаслиги шубҳасиз.

Алижон САФАРОВ



А. Караванов сурати

КОРХОНА, ТАШКИПОТ, ТИЖОРАТ МУАССАСАЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ЭЪТИБОРИГА!

«Оила ва жамият» газетаси мухлисларга бой оилавий ҳафталик газетадир. Шунинг учун реклама ва эълонлар ҳамда билдирувларингизни «Оила ва жамият»да чоп этсангиз, тезда ҳоҳиятингиз амалга ошиши мумкин.

Реклама ва эълонлар энг арзон келишилган нархларда қабул қилинади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-бино.

ин: 700078 «Оила ва жамият» газетаси.

Телефонлар: Бош муҳаррир 39-48-73,
хатлар ва эълонлар бўлими 39-43-95

ЯНГИҚИШЛОҚ ҲАНГОМАЛАРИ

Янгиқишлоқда Маҳмуджон Маҳмамов деган беозор инсон утган. У кишидан ёдгор бўлиб беш ўғил, уч қиз ва давраларда ширин энтиқиш билан эсланадиган кулгили хангомалар қолган. Ана шу хангомалардан баъзиларини сиз азизларга ҳавола қилар эканмиз, у кишининг жойлари жаннатда бўлишини Аллоҳдан сўраб қоламиз.

ЧОРБОҚҚА ТУШАСАН

Маҳмуджон ака янгиликка ўч одам эди. Қишлоқда биринчи грампластинкани ҳам, телевизорни ҳам шу киши олган.

Енгил автомашина олиш учун йўлга чиққанида Райим содда деган оғайнларини йўлдош қилибдилар.

Самолётда кетаётганларида содда гимирлаб қолибди.

— Ҳа, Райим, захар танг қилдими?— деб сўрабди у киши.

— Йўқ,— дебди Райим содда ўрнидан туриб.— Мен тушиб қолмасам бўлмайди, Маҳмуд, эшагимни тушовламаган эдим. Адашиб бирон ёққа ўтиб кетса, сени машинанг деб эшаксиз қолмай.

— Майли, эпласанг тушиб қолавер,— дебди Маҳмуджон ака хотиржам.— Аммо билиб қўй, ҳозир сакрасанг тўғри энангни чорбоғига тушасан.

БИЗНЕС

У киши бекорчиликдан хивчинни сувга уриб ўтирган экан, Райим содда келиб қолибди.

— Маҳмуд, нима қиляпсан,— деб сўрабди қизиқсиниб.

— Бизнес.

— У нима деганинг?

— Беш сўм бер, айтаман.

Содда иккиланибди. Қизиқиш устун келиб пул чиқаришга мажбур бўпти.

— Энди айт.

— Бизнес, бизда йўқ, дегани. Чўнтагимда ҳемири йўқлигидан шу ерда ўтиргандим. Энди бор. Ма, сенам бизнес билан шугулланиб тур,— деб Райим содданинг қўлига хивчинни тутқазбиди-да, уйига жўнаб қопти.

ИНСТРУМЕНТ

Бир куни Маҳмуджон акани Фаргона шахрига жўнатишибди.

— Нима олиб келаман,— деб сўрабди гараж мудирдан.

— Инструмент.

— Кўпми? Нима ўзи у?

— Тўрт-беш тонна бордиров. Бораверсанг биласан.

Фаргонада битта челака ҳам бўладиган асбоб-анжом берибдилар.

Қайтиб келиб, тўғри Тошмат завгарнинг хонасига кириб борибди.

— Ўқимаган, инструмент нималигини биласанми ўзинг?

— Ҳа биламан.

— Нимаякан?

— Ҳалиги...

— Билмасанг билганлардан сўраб олгинда, золим. Кошки Фаргона яқин жой бўлса. Инструмент дегани йўл-йўлакай олиб келинса бўладиган нарсас экан. Мана кўриб қўй! Ҳе, асли ўзингни инструмент дейиш керак.

Шу-шу завгарнинг лақаби инструмент бўлиб кетган.

ТОВУҚ ШЎРВА

Шериклар йигилишиб товуқ шўрва пиширадиган бўлибди. Қозонга Райим содданинг товуғи мўлжалланган эди.

Шўрва зўр бўлипти. Жўралар пиширганга ташаккур айтиб, товуқни паққос туширибдилар.

Эрта саҳарда Райим содда Маҳмуджон аканинг эшигини қоқибди.

— Ҳа, каллаи саҳарлаб! Ёмон туш кўрдингми, Райим?

— Маҳмуд, анови шумгиялар менинг товуғимни уриб кетган экан. Бундан беҳабар товуқ шўрвани гапириб қўйибман. Хотин ҳаммасини бурнимдан булоқ қилди.

— Мен ҳам билувдим товуқ сениклигини.

— Қайқдан билгандинг?

— Мазалилигидан, ҳалимлигидан.

— Мен мазалиманми?— сўрабди содда.

— Ҳа, сен бамаъни одамсан. Кўнглинг юмшоқ. Сендақалар жаҳонда битта ё иккита.

— Шу гапларни хотинимнинг олдида гапиргин, Маҳмуд. Яна бир марта зўр товуқ шўрва қилиб бераман.

ОЛУЧА ВА СОДДАНИНГ КАМПИРИ

Маҳмуджон ака хасталаниб қолгач, Янгиқишлоқдаги болалар богчасида қоровул бўлиб ишлай бошладди. Бир куни одатдагидек келиб гурунглашиб ўтирган Райим содданинг олуча егиси келиб қопти.

Икки қария олучани эгишга эгибдию, қандай теришни билмабди.

— Райим, сен эгиб тургин, мен тераман.— дебди қоровул.

— Гап йўқ. Ушлаб турганим бўлсин! Тер!

Маҳмуджон ака қўлидаги олучани идишга солиб, қараса содда йўқ эмиш.

— Маҳмуд, нарвонни олиб кел, нарвонни, — дермиш дарахтга осилиб қолган содда.

Бир нарса қилиб, дўстини эсон омон ерга тушириб олган Маҳмуджон ака дўстига қараб депти:

— Тўхтаҳон кампирни эгиб олганман, гаҳ десам қўлимга қўнади, деб мақтанасану, шу кетмонсопдек олучани эгиб туришга кучинг етмади-я, Райим. Шунча йилдан бери сенга ишониб юрганимга ҳайронман.

БЕКОР ҚИПСАН

Азим охун деган бир одам утган. Шу кишининг ким нима деса,

— Бекор қипсан,— дейдиган ода-

ти бор эди.

Маҳмуджон ака шу кишидан озма-оз қарз олади. Бир куни, боғини алдамоққа шайланган шумбола сингари, Охуннинг олдида боради.

— Азим охун, янги машина сотиб олдим.

— Бекор қипсан.

— Қишлоқни кексаларини жумага олиб бориб келиб, дуосини олдим.

— Бекор қипсан.

— Сизни омонатингизни олиб келувдим.

— Бекор қипсан.

Айнан шуни кутиб турган Маҳмуджон ака:

— Узим ҳам шундай деб ўйловдим,— деб рўмолчага ўралган пулни чўнтагига солаётса, Азим охун маҳкам қўлига ёпишиб:

— Тўғри қипсан болам, тўғри қипсан. Ажаб қипсан, ҳўп қипсан олиб келиб, қани пулни ол бу ёққа,— дебди.

Маҳмуджон ака омонатни эгасига топшириб:

— Э аттанга, биз охирини ўхшата олмадик-ку,— деб шалвира-аб чиқиб кетибди.

Лекин Азим охун шу-шу бекор қипсан, демайдиған бўлибди.

ИШҚИБОЗ

Қишлоқда тўрт-беш хонадонда телевизор бор маҳаллар. Яхши кино ёки футбол берилганида ўша уйларга одам тўлиб кетарди. Бир куни энди дастурхон ёзиб турганларида Райим содда тўрт-беш жўралари билан футбол кўргани келиб қолади. Содда "Пахтакор"нинг ашаддий ишқибозларидан эди.

Футбол бошланади. Оила аъзолари ҳам жамул-жам. Ош сузиб келтирилган. Ҳамманинг кўзи дилбўзарда.

Худди шу пайт рақиб команда томон 11 метрлик жарима тўпи белгиланади.

Қошиқлар ҳам жим, оғизлар ҳам жим. Нафаслари ичига тушиб, тушунган ҳам, тушунмаган ҳам ойнаи жаҳонга термулган.

Афсуски, командамиз 100 фоизлик имкониятни бой беради.

Ўзининг қаердалигини унутган Райим содда ўрнидан туриб кетади ва лагандаги ошни чунонам тепадики:

— Коптокни мана бундай тепади-да, ўғил бола!

Меҳмонлар ҳижолатдан оила бошлиғи Маҳмуджон акага қарайди.

У киши уст-бошига сачраган гуручларни силкиб, дастурхонга тўкар экан:

— Агар ўша уйинчининг ўрнида бизнинг Райимжон бўлганида гол бўлиши аниқ эди,— дея ҳаммани ҳижолатдан кутқарадилар.

Абдурахмон ЖҲРА

Сўнги устун

ЭСКИ МАШИНАЛАРДАН САНЪАТ АСАРИ

Венецияда бўлиб ўтган санъат кўргазмасининг фарангларга ажратилган бўлимида таниқли рассом Цезарининг янги асари ҳам намойиш этилди. У ўз асарини яратишда эски, автомобил ҳалокатларида пачоқланган машиналарнинг қисмларидан фойдаланган. Бу асар санъатда янгича йўл, янгича қарашларнинг ифодаси деб баҳоланди.

ХУРРАКНИНГ ДАВОСИ

Инглиз врачлари хурракни даволашининг янги усулини ишлаб чиқишди. Бунинг учун ўн минут давом этадиган операция кифоя. Жарроҳлар лазер нурлари ёрдамида танглай ортидан хуррак ҳосил бўлишига сабаб бўлувчи кичик этни олиб ташлайдилар, таом-вассалом.

ЭНГ БОЙ АКТЁР

Жаҳон кино юлдузлари орасида Сильвестр Сталлонедан утадиган миллионер актёр йўқ ҳисоби. У ҳар бир фильмда ижро этган роли учун 20 миллион доллардан ҳам ошмироқ пул олар экан. Яқинда эса, бир продюссерлик компанияси ҳали сценарийси ёзилмаган фильмда роль ижро этишга С.Сталлоне розилик берганлиги учун ўша микдорда пул ваъда қилди. Мана бунчи чинакамига бойлик деса бўлади!

ОЛТИНДАН ҚИММАТ ЭКАН

Қадимги мисрликлар эрамикдан олдинги III минг йилликнинг урталаридаёқ темирдан фойдаланишни билган экан. Ўтган асрда фиръавн Хеопс эҳромидан топилган ва шу пайтгача метеорит тошидан олинган темирдан тайёрланган деб ҳисоблаб қелинган буюмни урганган археолог олим ас-Сайид ал-Ғойир шундай хулосага келди. Профессорнинг фикрича, ўша пайтларда темир камёб бўлган, шунинг учун у олтиндан ҳам қимматроқ баҳоланган, ҳамда фақат фиръавнларнинг саройларини, эҳромларини жиҳозлашда фойдаланилган.

СЎНГИ МОГИКАН

Свердловск вилоятидаги Ревдел қишлоғида бугунги кунда фақат бир киши истиқомат қиляпти. Сўнги йилларда қишлоқда электр энергияси, телефон алоқаси, дўкон, медреса умуман ишламагани сабабли одамлар бошқа жойларга кўчиб кетишган. Қишлоқнинг "сўнги могикини" эса бу ердагида кўзқоринлар, маймунжонлар, ўрмон ёнғоқлари бошқа ҳеч қаерда йўқлигини айтиб, кўчиб кетишни ҳавлига ҳам келтирмаслигини билдирмоқда.

БОШ МУҲАРРИР: Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси
болалар жамғармаси ва «Соғлом
авлод учун» Халқаро хайрия
жамғармаси.

МАНЗИЛИМИЗ: 700078, Мустақиллик майdonи, 5-бино.

Телефон: 39-43-95
Алижон САҒАРОВ
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0313. 23566 нусхада чоп
этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.